

## **ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИДА РАҚАМЛИ КУТУБХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ**

**Ганиева Б.И.**

*Мақолада Фарбий Европада рақамли кутубхоналар ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш борасидаги лойиҳа ва дастурлар таҳлил қилинади. Ахборот кутубхона муассасаларининг олий таълим муассасалари рейтингини оширишга таъсири масалаларига тўхталиб ўтилган.*

## **ОБЗОР ПРОЕКТОВ ПО РАЗВИТИЮ ЭЛЕКТРОННЫХ БИБЛИОТЕК В ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАНАХ И ИХ РОЛЬ В ПОВЫШЕНИИ РЕЙТИНГА ВУЗОВ**

**Ганиева Б.И.**

*В статье дается обзор и анализ разрабатываемых проектов и программ развития цифровых библиотек и библиотечной деятельности в ведущих странах Западной Европы. Раскрывается роль информационно-библиотечных учреждений в повышении рейтинга высших учебных заведений.*

## **SURVEY OF DIGITAL LIBRARIES PROJECT DEVELOPMENT AND ITS INFLUENCE TO UNIVERSITY RATING**

**B.I.Ganieva**

*The article includes the overview and analysis of some projects and programs on development of digital libraries and library activities in the leading Western European countries. Also importance of academic libraries for university rates increasing is included too.*

Бугунги кунда жаҳоннинг барча олий ўқув юртлари жаҳон университетлари рейтингида иштирок этишга катта аҳамият қаратмоқдалар. Энг машҳур рейтинг рўйхатларига ARWU (Academic Ranking of World Universities, «шанхай рейтинги»), THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS World University Rankings (Quacquarelli Symonds), Ranking Web of Universities (Webometrics) [2] киритилган.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг рейтингини аниқлашни йўлга қўйилиши олий таълим тизимидаги муҳим ислохатлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловада рейтингни аниқлаш мезонлари сифатида куйидаги асосий кўрсаткичлар келтирилган [1]:

I.	Таълим сифати даражаси индекси	$I_{мсд}$	35%
II.	Талаба ва битирувчилар малакас индекси	$I_{тбм}$	20%
III.	ОТМнинг илмий салоҳияти	$I_{ис}$	35%
IV.	Бошқа турдаги кўрсаткичлар		10%
	Олий таълим муассасаларининг якуний рейтинги (IR):	$IR = (I_{мсд} \cdot 35 + I_{тбм} \cdot 20 + I_{ис} \cdot 35 + I_{ок} \cdot 10) / 100$	

Илованинг 4.1. бандида: Ахборот-ресурс марказининг ўқув адабиётлари, шу жумладан, электрон китоблар билан таъминланганлиги, электрон ресурслардан масофадан фойдаланишнинг мавжудлигимухим кўрсаткичлар сифатида келтирилади. Бунда асосий адабиётларнинг электрон китоблар шаклидаги салмоғи ўрганилади. ОТМ таълим йўналишларида ўқув режадаги фанларнинг ўқув дастурларида келтирилган асосий адабиётларнинг “Ziyonet”, Электрон таълим тизими ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот ресурслари ҳамда ОТМ ёки унинг бўлинмалари сайтлари ресурсларида жойлаштирилганлиги ўрганилади. Демак, ахборот кутубхона муассасалари фаолияти илмий тадқиқот муассасалари, таълим муассасалари фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Ахборот кутубхона муассасаларининг ўқув адабиётлари, шу жумладан, электрон китоблар билан таъминланганлиги, электрон ресурслардан масофадан фойдаланишнинг мавжудлиги каби кўрсаткичларнинг юқори натижаларига эришилганда, олий таълим муассасаларининг рейтингини кўтаришга ҳар томонлама салмоқли ҳисса қўшади. Бу, аввало:

- ўқитиш сифати даражасига (1.2-банди)
- йил мобайнида ОТМ ўқитувчилари томонидан нашр этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар салмоғининг ортишига (1.3-банди)
- профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни ва ахборот-коммуникацион технологияларни билиш даражасини юксалишига (1.7-банди)
- йил мобайнида хорижий илмий журналларда нашр этиладиган мақолалар салмоғи ва сифатини ортишига (3.2-банди)
- олий таълим муассасалари ходимлари томонидан ҳимоя қилинадиган докторлик диссертациялари, монографиялар сонини (3.3-банди) кўпайишига олиб келади.

Демак, ахборот кутубхона муассасалари ишининг жаҳон андозалари асосида тўғри ташкил этилганлиги, керакли ресурслар билан таъминланганлиги, хизмат кўрсатиш даражасининг юқори савияда эканлиги, ҳар жиҳатдан олий таълим муассасалари рейтингини ошишига билвосита ва бевосита таъсир ўтказди.

Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида электрон кутубхоналар барпо этиш, корпоратив

тармоқ орқали маълумотлар алмашиш, виртуал муҳитда хизмат кўрсатиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар жаҳон андозаларига мос, жаҳон талаблари доирасида бажарилиши юқорида таъкидланганидек, муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Охириги йилларда ахборот кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилдики, улар нафақат республика кутубхоначилиги ишини ривожлантиришга, балки, жаҳон андозаларига мос равишда шакллантиришга хизмат қиляпти. Шу ўринда бу борада Европанинг етакчи мамлакатларида рақамли кутубхоналар барпо этиш борасида амалга оширилган иш тажрибаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ўз фаолиятимизда қўллаш электрон кутубхоналарни шакллантириш ишларини янада ривожлантиришда катта натижа бериши аниқ. Шу мақсадда Европа мамлакатларида рақамли кутубхоналар яратиш лойиҳаларини ўрганиб, қисқача шарҳлаб ўтамиз.

Европада дастлабки рақамли кутубхоналар яратиш лойиҳаси бошланганига ўн йилдан зиёд вақт ўтди. Бу давр мобайнида рақамли кутубхоналар ривожланиши болалик давридан етуклик даврга ўтиб, ўз ривожланишининг муқобил босқичига етиб келди. Рақамли кутубхоналар тушунчаси, уларнинг мавжуд бўлишлик мазмуни ҳақида фикр юритар эканмиз, Интернет тармоғида жуда кўп рақамли кутубхоналарнинг мавжудлиги, уларнинг кўпчилиги қатъий стандартларга мос эмаслигини таъкидлаш мумкин.

Европада рақамли кутубхоналарнинг ривожланиши жуда сермахсул. Оддий кузатувчи сифатида Европада рақамли кутубхоналарнинг ривожланиш йўналишларини, рақамли кутубхоналарни ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳаларни шарҳлаймиз. Европа рақамли кутубхоналарининг ривожланиш тажрибасини ўрганиш асосида мутахассислар ўз рақамли кутубхоналарини яратишдаги фаолиятларини тизимли ташкил этишда фойдаланишлари мумкин [3].

### **Европада рақамли кутубхоналар фаолияти**

Рақамли кутубхоналар ғояси янгилик бўлмасда 1990 йилга қадар реал бўлмаган. Умуман илк рақамли кутубхоналар Америка Қўшма Штатларида барпо этилган бўлиб, Александрия рақамли кутубхонаси лойиҳаси, Инициатива рақамли кутубхонаси лойиҳалари мисол бўла олади. Тез орада рақамли кутубхоналар яратиш борасидаги ғоялар, маданий қадриятларнинг сақлаш ва етказишнинг янги муҳимроқ тури сифатида Европага тарқалди. Бу ўзгаришлар ривожланиши турли даражада бўлган Европа мамлакатларига тарқала бошлади. Европа турли хил ривожланишдаги мамлакатлар бир бирига жуда яқин жойлашган минтақалардан биридир. Ўхшаш маданий қадриятлар, бир бирига яқин бўлган маданий мерос бу мамлакатларни бирлаштиради. Мазкур асос Европа мамлакатлари орасидаги ҳамкорликни кучайтиради. Ҳамкорлик аъъаналари рақамли кутубхоналар яратишда ҳам сақланган.

## **Кутубхоналар учун Телематика (Компьютерлашган масофавий алоқа)**

Кутубхоначилик соҳаси Европа Иттифоқининг илмий тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантиришнинг илгирчи ва тўртинчи дастурининг бир қисми сифатида киритилди. Бу дастур фаолияти доирасида кутубхоналар учун телематика 1990 йилдан 1998 йилгача мунтазам иқтисодий қўлланди. Бешинчи дастурда ҳам кутубхоналарнинг рақамлаштириш фаолиятига доир лойиҳалар иқтисодий қўллаб қувватланди.

\*CANDLE (Controlled Access to Digital Libraries in Europe - Контролируемый доступ к электронным библиотекам в Европе)<sup>20</sup> Европа электрон кутубхоналаридан фойдаланишни бошқариш номи лойиҳа 1998 йилда бошланиб, 30 ой мобайнида давом этди. Бу лойиҳа CaseLibrary лойиҳасида кутубхоналар томонидан нашриётлар ва етказиб берувчи агентликлар билан ҳамкорлик орқали олинган рақамли нашрларни кутубхоначиларга таништиришга томон йўналтирилган. Лойиҳа координаторлари Мадридлик бўлиб (Испания), В.Н. Blackwell Ltd. (Буюк Британия), Sough Bank University (Буюк Британия), Univerit di Fierenze (Италия) ва National and Capodistrian University of Athens (Greece) каби муассасалардан иштирокчиларни жалб қилишди.

\*CECUP (Central and Eastern European Copyright User Platform- Центральная и Восточная Платформа Европейского Copyright Пользователя)<sup>21</sup>. Бу Европа фойдаланувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи платформасининг Марказий ва Шарқий Европа учун давоми эди. Бу муаллифлик ҳуқуқи соҳасида Марказий ва Шарқий Европада юзага келадиган муаммолар, рақамлаштириш ва электрон хизматларнинг технологик ишланмасига бағишланади.

\*DEBORA (Digital Access to Books of the Renaissance- Цифровой доступ к книгам эпохи Возрождения)<sup>22</sup> Уйғониш даври китобларига рақамли эга бўлиш деб номланган лойиҳа 1999 йилнинг январидан бошлаб 30 ой давом этди. Мазкур лойиҳада XVI асрнинг ноёб хужжатлардан тармоқ орқали фойдаланишнинг йўллари ишлаб чиқилди. Бунда қадимий китобларни рақамлаштириш тизими ишлаб чиқилди. Лойиҳа координатори Лионнинг ахборот-кутубхонашунослик Миллий мактаби бошчилигида Франция, Буюк Британия, Португалия и Италия давлатлари билан ҳамкорликда амалга оширилган.

\*DECOMATE II (Developing the European Digital Library for Economics – Развитие европейской цифровой библиотеки для экономики)<sup>23</sup>. Иқтисодиёт

---

<sup>20</sup>Telematics for Libraries, “Telematics for libraries: Projects, CANDLE,” available from <http://www.cordis.lu/libraries/en/projects/candle.html>.

<sup>21</sup>ECSC, “CECUP: Central and Eastern European copyright user platform,” 2000; available from <http://www.eblida.org/cecup/>.

<sup>22</sup>Dernière mise à jour, “DEBORA: Digital Access to Books of the Renaissance,” 07 December 2001; available from <http://www.enssib.fr/divers/debora/>.

<sup>23</sup>UAB Library Service, “DECOMATE II: Developing the European Digital Library for Economics,” 31 January 2005; available at <http://www.enssib.fr/divers/debora/>.

соҳасига оид Европа рақамли кутубхоналарини ривожлантириш лойиҳаси иқтисодиётга оид турли ахборот ресурсларидан Европанинг турли кутубхоналарининг ягона интерфейси орқали фойдаланишни таъминлашга бағишланган. Лойиҳанинг координация қилувчи муассаса сифатида Нидерландиянинг Тилбург университети кутубхонаси билан бир қаторда Голландия, Италия, Буюк Британия, Испания ва Бельгиядан 10 та муассаса иштирок этди.

\*DIEPER (Digitized European Periodicals-Оцифровка европейских периодических изданий)<sup>24</sup>. Европа вақтли матбуот нашрларини рақамлаштириш лойиҳаси барча рақамли вақтли матбуот нашрларининг ягона марказини яратиб, фойдаланишни таъминлаш, бу электрон ноширлик, яъни чоп этишнинг рақамли формаларига ўтишни таъминлар эди. Геттинген Давлати ва Университет кутубхонаси мазкур лойиҳанинг мувофиқлаштирувчи муассаса ҳисобланиб, Европа Иттифоқининг 100 дан ортиқ иштирокчиларини жалб этди.

\*EULER (European Libraries and Electronic Resources in Mathematical Sciences-Европейские библиотеки и электронные ресурсы по математическим наукам)<sup>25</sup>. Математика фанлари бўйича электрон кутубхоналар ва электрон ресурслар деб номланган лойиҳа Европа маълумотлар базаси асосида яратилган ҳақиқий виртуал кутубхона фойдаланувчилар томонидан яхши қарши олинди. EULER лойиҳасининг асосий мақсади математика соҳасига оид электрон ахборот ресурсларни интеграция қилишдан иборат. EULER лойиҳаси натижасида турли манбаларда мавжуд математикага оид ресурслар асосида рақамли кутубхона яратилди. Лойиҳа координатори Берлиндаги Карлсруэ Математика ва информатика фанлари Департаменти бўлиб, асосий ҳамкорлар Германия, Швеция, Франция ва Италия давлатларидир.

\*NEDLIB (Networked European Deposit Library - Сетевая Европейская Депозитная библиотека)<sup>26</sup>. Европа тармоқ депозит кутубхонаси лойиҳаси.

NEDLIB лойиҳасининг мақсади кутубхоналарнинг миллий депозитларини келажакда электрон нашрларини яратиш эди. Koninklijke Bibliotheek, Нидерландия Миллий кутубхонаси лойиҳани бошқарди. Натижада рақамли депозит тизимлар яратиш йўллари ишлаб чиқилди. Ҳамкорлар сифатида Нидерландия, Франция, Норвегия, Финляндия, Германия, Португалия, Швейцария ва Италия давлатлари, шунингдек, урта ноширлик компаниялари ҳомий сифатида ўз улушларни қўшдилар.

\*DigiCult «Digital Heritage and Cultural Content – Цифровое наследие и культура содержания» (DigiCULT)<sup>27</sup>. Бу илмий тадқиқот фаолияти соҳаси ҳисобланиб, Европа комиссияси томонидан бошланган дастурнинг бешинчи

---

<sup>24</sup>“DIEPER: Digitized European Periodicals,” available from <http://gdz.sub.uni-goettingen.de/dieper/>

<sup>25</sup>EULER Consortium, “EULER: Your portal to mathematics publications,” available from <http://www.emis.de/projects/EULER/>

<sup>26</sup>NEDLIB, available from <http://www.kb.nl/coop/nedlib/index.htm>

<sup>27</sup>DigiCULT Consortium, “DigiCULT: Technology challenges for digital culture,” 12 January 2005; available from <http://www.digicult.info/pages/index.php>.

қисми ҳисобланиб, ахборот коммуникация технологиялари Европанинг ҳар бир фуқароси ҳаётининг барча жабҳаларига кириб бориши томонга йўналтирилган бўлиб, рақамли кадриятлар ахборотлашган технологик жамиятнинг барча фуқароларининг умумий мероси ҳисобланиши, улардан фойдаланиш маданиятига йўналтирилган. Бешинчи дастур доирасидаги технологик тадқиқотлар 1998-2002 йилларни ўз ичига олиб, 6 – қисми 2002-2006 йилларни ўз ичига олди. Лойиҳа маданий кадриятларни сақлашнинг барча жабҳаларига таалуқли, жумладан, Европанинг бой маданий ва илмий меросини шаклландирган рақамли муҳитда сақлаш, фойдаланиш, тақдим этиш каби масалаларни ечади.

Австриянинг Зальцбург тадқиқотлари, тўққизта юқори даражада тан олинган Европанинг маданий ташкилотлари билан бирга DigiCult 2001 йилнинг 1 январидан 12 ой давомида олиб борган тадқиқотлари учун тақдирланди. DigiCult Консорциумининг асосий ҳамкорлари:

- ✓ Зальцбург тадқиқотчилиги Forschungsgesellschaft, Зальцбург, Австрия

- ✓ Чивита Консорциуми, Рим, Италия

Қуйидаги муассасалар лойиҳанинг эксперт ҳамкорлари ҳисобланади:

- ✓ Австрия миллий кутубхонаси, Вена, Австрия

- ✓ Filmmuseum Нидерландия, Амстердам, Нидерландия

- ✓ Haus der Kulturen der Welt, Берлин, Германия

- ✓ Қироллик кутубхонаси, Швеция Миллий кутубхонаси,

Стокгольм, Швеция

- ✓ Шотландия маданий ресурсларидан фойдаланиш тармоғи -

SCRAN, Эдинбург, Великобритания

Шунингдек, бутун Европа рақамли кутубхоналарининг халқаро ҳамкорлиги ҳам мавжуд бўлиб, кўпгина Европа институтлари жалб этилган. Булардан бири сифатида Universalis кутубхонасини мисол қилиш мумкин. Бу халқаро лойиҳа умумжаҳон маданий ва илмий мероснинг матн, тасвир, овозли ёзувларни ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида кенг халқ оmmasига етказишдан иборатдир. Лойиҳанинг 13 та ҳамкори Миллий кутубхоналар бўлиб, улардан иккита ҳамкор Европадан ташқари мамлакатлардандир.

\*EMANI<sup>28</sup> лойиҳаси бу каби йўналишнинг ёрқин мисоли бўлиб, математик ахборотнинг рақамли кўринишда узоқ муддатли сақлаш, тармоқ орқали фойдаланишга имконият яратишга қаратилган. 2002 йилнинг июлидан ўзида Хитой, Франция, Германия, АҚШнинг 4 та илмий кутубхоналарни мужассамлантирган. Математика оид нашрларнинг узоқ муддат электрон сақлаш вазифаларни амалга оширишга мўлжалланган.

---

<sup>28</sup> Springer-Verlag Heidelberg, "EMANI: Electronic Mathematical Archiving Network Initiative," 12 January 2005; available from <http://www.emani.org/index.htm>.

## Миллий рақамли кутубхоналар яратиш

Аввало, миллий доирадаги рақамли кутубхоналар фаолияти ҳақида фикр юритганда, ЮНЕСКО нинг умумжаҳон дастурларини эслатиб ўтамиз. Бу дастурларнинг икки томонлама мақсадини кўрсатиш мумкин. Йўқолиш ҳавфи бўлган ҳужжатларнинг умумжаҳон меросини сақлашга кўмаклашиш.

Дастурни амалга оширишда ЮНЕСКО координатор ва катализатор ролини ўйнайди. Дастур доирасидаги лойиҳалар кутубхоналарда ва архивларда қўлёзмалар ва нодир нашрларни сақлаш ва мазкур миллий кадриятларнинг умрини узайтиришга қаратилган. Мисол тариқасида, Москванинг Россия Давлат кутубхонасида сақланаётган XV-XVI асрларнинг славян қўлёзмаларини сақлаш ва фойдаланишни таъминлаш масалаларини келтириб ўтамиз. Шунингдек, у ўзида кўпгина, Достоевский ва Пушкин кабимуаллифлар асарларини мужассамлантирган. Лойиҳа бошлангач, бошланғич қисмда, 1990-йилларнинг бошларида кўпгина натижалар CD-ROM кўринишида акс этган. Бу рақамли кутубхоналар фаолиятининг ёрқин мисолидир. Табиийки, дастлаб рақамлаштириш лойиҳанинг асосий иши бўлиб, рақамли форматдаги хизматларнинг тақдим этилиши асосий ғояси ҳисобланади. Бу каби дастурлар Европа миллий рақамли кутубхоналари фаолиятини ташкил этишдаги дастлабки амалга оширилган ишлар дейиш мумкин. Миллий кутубхоналар мамлакатда кутубхоначилик ишини ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Рақамли фаолият олиб боришда миллий кутубхоналар фаолияти юқори даражада бўлиши лозим.

\*eLib: (The Electronic Libraries Programme – Программа Электронные библиотеки)<sup>29</sup>. Электрон кутубхоналар дастури eLib – олий таълимни ривожлантириш ва шакллантиришда катта роль ўйнади. Асосий мақсади гибрид кутубхоналар орқали, рақамли кутубхоналар моделини яратиш, ресурсларнинг кенгайтирилган қидирув тизимини яратиш, рақамли ресурсларни сақлаш орқали лойиҳа амалга оширила бошлади. Иқтисодий жиҳатдан маблағ билан таъминланиш, eLib дастурини яратилишига олиб келди. Бу 60 га яқин лойиҳаларни ўз ичига олди. Кўпгина лойиҳалар маълум бир вазифаларни бажаришда бир бирини тўлдирди. Мазкур лойиҳалар, халқаро микёсда рақамли кутубхоналар барпо этишда бир бири билан ҳамкорликда фаолият олиб борди.

\*Gallica (Франция)<sup>30</sup> Франция миллий кутубхонасининг De l'Homme музейи, Пьера Лоти уйи билан ҳамкорликда яратилган Интернет-сервер бўлиб, он-лайн қидирувни синовдан ўтказиш учун яратилган. Gallica 2000 BnFrance рақамли кутубхонаси XX аср боши ўрта асрларга тааллуқли мультимедиа ҳужжатларининг энг охириги версияси ҳисобланади.

<sup>29</sup> UKOLN, "eLib: The Electronic Libraries Programme," 13 January 2005; available from <http://www.ukoln.ac.uk/services/elib>

<sup>30</sup> Gallica, available from <http://gallica.bnf.fr/>.



\*Global-Info: German Digital Libraries Program (Германия)<sup>31</sup> - Немис рақамли кутубхоналар яратиш дастури. Рақамли кутубхоналар яратиш Концепцияси Германия давлатининг 1996-2000 йилларга мўлжалланган ахборот инфраструктурасига киритилган эди. Global-Info грант лойиҳаси Ахборот ва коммуникацион Комиссияси ҳамкорлигидаги илмий жамиятларининг технологик ривожланиши тадқиқотлари доирасида амалга оширилган. Бу барча тадқиқотчиларга адабиётлардан фойдаланишга, тадқиқот натижалари, бошқа ахборотларга тўғридан-тўғри, тўсиқларсиз эга бўлишликни таъминлашдан иборат. Мазкур дастур доирасидаги лойиҳага давлат томонидан 60 млн. немис маркаси ажратилади. Немис рақамли кутубхоналарини яратиш дастур лойиҳалари 1998 йилдан бошлаб 6 йил давом этиб, мазкур дастурга бир қанча немис кутубхоналари ва ахборот марказлари жалб этилган.

\*Digital Image Архив(Архив цифровых изображений)<sup>32</sup> (Австрия) “Суратларнинг рақамли архиви” лойиҳаси Австрия Миллий кутубхонаси томонидан амалга оширилган. Мазкур лойиҳа портретлар тўпламлари, суратлар архиви, Fidei commissâ кутубхонаси билан биргаликда амалга оширилган. Австрия Миллий кутубхонаси 1,5 миллион тарихий фотосуратларни, Австрия тарихига оид бўлган портретлар, архитектура, топографияларни рақамлаштириш, асосий мақсад сифатида эса Архивлардаги рақамли суратларни эффектив моделини яратишдан иборат. Лойиҳа 1999 ва 2001 йилларни ўз ичига олади.

\* BIBSYS рақамли кутубхона (Норвегия)<sup>33</sup> – Мазкур лойиҳа 1998 йилдан 3 йил давом этиб, Норвегия миллий рақамли кутубхоналарини барпо этишга бағишланади. Лойиҳанинг асосий мақсади олий таълим доирасида Норвегия фойдаланувчиларини янги ва мавжуд хизматларни интеграциялаш орқали рақамли ахборот ресурсларига эга бўлишликни таъминлашдан иборат.

Яна кўплаб: Muisti - фин миллий коллекциясини рақамлаштириш ва тармоқ орқали тақдим этиш лойиҳаси (Финляндия), Дания маданий меросини рақамлаштириш лойиҳаси - Kulturarw 3 (Sweden), Швеция қироллик кутубхонаси ва Швеция Миллий кутубхонасининг швед нашрларининг рақамли коллекциясини яратиш ва интернет орқали фойдаланишга тақдим этиш лойиҳаси – швед электрон нашрлари коллекцияларини яратилиши ва бугунги кун ва келажак авлодга тақдим этилишига тамал тошини қўйди.

\*Memoria (Испания) -Испания хотирасилойиҳаси. Испания Миллий кутубхонасини (Biblioteca Nacional de España) рақамлаштиришга асосланган бўлиб, ўзида Испания бой маданий меросини ўзида мужассамлантирган универсал рақамли кутубхона яратишга бағишланди. 1995 йилда бошланиб кутубхонанинг энг ноёб, юқори қимматдорликка эга, муаллифлик ҳуқуқи

---

<sup>31</sup>DomainSpa, LLC, “Global-info.org,” available from <http://www.global-info.org/>.

<sup>32</sup>Hans Petschar, “Project ‘Digital Image Database’,” 2001; available from [http://www.onb.ac.at/sammlungen/bildarchiv/projekte/bdb/e\\_einleitung\\_frs.htm](http://www.onb.ac.at/sammlungen/bildarchiv/projekte/bdb/e_einleitung_frs.htm)

<sup>33</sup>“BDB: BIBSYS Digital Library,” available from <http://www.bibsys.no/BDB/eng/>.



ҳимоясида бўлган ва емирилиш хавфи мавжуд бўлган қимматбаҳо асарларни рақамлаштиришдан бошланди.

\*Memoria Project (Czech) -Чехия хотираси лойиҳаси. Мазкур лойиҳа Чехия Миллий кутубхонасини рақамлаштиришга бағишланиб, тарих соҳасига оид ресурсларнинг виртуал муҳитини яратишга бағишланади. Бу турли даврнинг тарихий ҳужжатларига, турли хил манбалардаги тарихий ҳужжатларнинг тавсифи, библиографик маълумотларига эга бўлиш, рақамли фойдаланиш имкониятини яратди.

### **Локал рақамли кутубхона фаолияти.**

Европада бундай фаолиятнинг икки тури мавжуд: улардан бири тармоқ орқали барча кутубхона хизматлари турларини ўз ичига олади, иккинчиси кутубхонанинг рақамли фаолиятига жавобгардир. Бугунги кунда келтириб ўтилган иккала тур ҳам кенг тарқалган.

\*Рақамли кутубхоналар бўйича Европа конференцияси- European Conference on Digital Library (ECDL) илк бор 1996 йил ташкил этилди. Кейинги йилларда мазкур конференция техникавий, ташкилий ва ижтимоий масалаларга бағишланган Европанинг бош форумига айланди. Бу таълим тизимини медиа ва ахборот билан таъминлашга йўналтирилган бўлиб, Германия Фан ва таълим вазирлиги томонидан қўллаб қувватланди. Асосий эътибор Фан ва таълим вазирлиги, Германия тадқиқотлар институти, индивидуал немис федерал ерлари ва бошқа илмий тадқиқот институтларини фаолиятини молиялаштиришга бағишланади.

Европада рақамли кутубхоналарнинг ривожланиш фаолиятини кузатар эканмиз, рақамли кутубхоналар яратиш бўйича кўпгина бошланғич лойиҳалар дастлаб маданий меросни сақлашга йўналтирилгани, кейинги босқичларда ижтимоий гуманитар, математика ва бошқа кўпгина соҳаларга эътибор қаратилгани, буларнинг орасида, айниқса, тарихий ҳужжатларни рақамлаштириш муҳим ўрин тутгани ҳақида хулосага келиш мумкин. Шунингдек, рақамли кутубхоналарни ривожланиши билан кўпгина жабҳалар қамраб олина бошлаган. Кутубхоналарда мавжуд қадимий коллекцияларни интернет орқали фойдаланишга тақдим этиш орқали тадқиқотчилар, кенг оммани баҳраманд этиш каби мақсад кўзланган.

Кўпгина рақамли кутубхоналар лойиҳаси Миллий кутубхоналарнинг миллий тиллардаги коллекцияларига бағишланган, бу албатта ўз навбатида барча тиллар ва маданий қадриятларни сақланишига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда бошқа тил ва маданий қадриятлар вакиллари учун фойдаланишга тақдим этиш мақсадида, умумий тилларга ўгириладиган саҳифаларнинг мавжуд бўлишига эътибор қаратилган. Бунда асосан, қадимда яратилган ноёб китоблар, қимматбаҳо материалларга алоҳида эътибор қаратилиши, рақамлаштириш объекти бўлиб: ноёб китоблар, қадимий қўлёзмалар танлангани аҳамиятлидир. Масалан, жаҳонда атиги 4 дона нусхага эга бўлган, 1450-йилда пергаментда Гутенберг томонидан китоб нашр этиш кашф этилганда чоп этилган “Библия” оригинали илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва “биринчи реал китоб”ни ҳис этиш мақсадида, Геттинген давлати ва университет кутубхонаси

“Гуттенберг” лойиҳасини 1999 – 2002 йилларда амалга оширди. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида рақамлаштириш ишлари олиб борилиб, Гуттенбергининг Библияси Интернет орқали китобхонларга тақдим этилди. Шунингдек, Британия кутубхонаси томонидан Библиянинг иккала нусҳаси ҳам рақамлаштирилиб тақдим этилди. Бу эса фойдаланувчилар учун фойдаланиш ҳамда таққослаш имкониятини яратди.

Даниил Гринштейн ва Рақамли кутубхона Федерациясининг (DLF) собиқ директори Сюзанна Е.Торинлар томонидан ёзилган “Рақамли кутубхона: биографияси” китобида рақамли кутубхона ривожланиши 3 bosқичга бўлинади: ёш рақамли кутубхона, ўрта ёшдаги рақамли кутубхона ва етук рақамли кутубхона. Мазкур материал АҚШдаги DLF ташкилоти вакиллари сўровномаси асосида яратилган бўлсада, Европадаги рақамли кутубхоналар ривожланишининг аналогик ривожланиш bosқичларини ўтди.

Кутубхоналарни рақамлаштириш бўйича деярли барча лойиҳалар ўтган аср охирида яқунланди. Бугунги кунда ҳам бу борада тадқиқотлар давом этмоқда, шу каби лойиҳалар қўллаб-қувватланиб, ўз амалий давомига эга бўлмоқда.

Хулоса

Европада рақамли кутубхоналар кутубхоналарнинг ахборот инфраструктурасига айланди. Ўзаро боғлиқлиги, кўптиллилиги, мультимедиялиги Европа рақамли кутубхоналари фаолиятининг тенденциясига айланди.

Ҳозирда Ўзбекистонда рақамли кутубхоналар яратиш бўйича бир қатор лойиҳалар бажариляпти. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналиши битирувчиларининг битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари доирасида электрон кутубхоналар яратиш методикаси тадқиқ этилиб, шоир ва ёзувчилар, олим ва тадқиқотчиларнинг электрон кутубхоналарини яратиш, шунингдек, турли фан соҳаларига, жумладан, физика, химия, ахборот технологиялари, машинасозлик, адабиётшунослик, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к. соҳаларга оид ресурсларнинг тўлиқ матнли маълумот базаларини яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур яратилган ресурсларини “Ziyonet”, Электрон таълим тизими ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот ресурсларида жойлаштирилиши ҳамда ОТМ ёки унинг бўлинмалари сайтлари ресурсларида жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ахборот кутубхона муассасалари олий таълим муассасалари таркибий тузилмасининг бир қисми ҳисобланиб, олий таълимнинг ривожланиш тенденциялари билан ҳамнафас ҳолда шаклланиши, ривожланиши ҳамда замонавий таълим жараёнида етакчи ўринлардан бирини эгаллаши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Давлат тест марказининг 2013 й. 8 январдаги 1-Қ/Қ-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 й. 8 январдаги 1-сон қарорига илова

2. Comparing University Rankings / I.F. Aguillo etc. // Scientometrics. – 2010. – Vol. 85.1. – P. 243–256. <http://dx.doi.org/10.1007/s11192-010-0190-z>. – Date of access: 04.10.2013.

3. Ганиева Б.И. Европа мамлакатларида рақамли кутубхоналарнинг ривожланиш фаолияти таҳлили // Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари.-Тошкент, 2014.-Б.17-25

## **АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Исламова Х. Э.**

*Мақолада информацион технологияларни киритиш шароитида АРМ ходимларининг билимини баҳолаш масалалари ёритилган. Таълимда ва таълимий ахборотларни олиш жараёнида мультимедия технологияларидан фойдаланишнинг таҳлили амалга оширилган.*

## **ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ УРОВНЯ ЗНАНИЙ СОТРУДНИКОВ В УСЛОВИЯХ АВТОМАТИЗАЦИИ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

**Исламова Х. Э.**

*В статье рассмотрены вопросы оценки уровня знаний сотрудников ИРЦ в условиях внедрения информационных технологий. Воспроизведен анализ использования мультимедийных технологий в преподавании и предоставлении доступа к образовательной информации.*

## **ISSUES FOR EVALUATING KNOWLEDGE OF STAFF IN THE CONDITION OF LIBRARY AUTOMATION**

**X. Islamova**

*The article considers the knowledge assessment level of IRC's employments in condition of information technologies implementation. Multimedia technologies in teaching and providing the access to educational information are analysed.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорида республика олий ўқув юртлари рейтингини тўртта мезон асосида тузилиши кўрсатилган. Булар: ўқитиш сифати даражасининг индекси, талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси, олий ўқув юртинининг